

NAZORAT-AUDIT

INTEGRA INTERNATIONAL®

YOUR GLOBAL ADVANTAGE

AUDITING COMPANY

Address: 11/2, Gospital Area, Mirabad district, Tashkent city, STIR 202884570 tel: +998 98 366 23 01, fax: +998 78 150 23 01, email : info@nazorat.uz, web: www.nazorat.uz

« BUXOROGAZSANOATQURILISH » акциядорлик жамиятининг 2019 йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботиغا ижобий фикр билдирилган

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

« BUXOROGAZSANOATQURILISH » акциядорлик жамияти таъсисчилари ва раҳбариятига

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот:

МЧЖ «NAZORAT-AUDIT»

Ўзбекистон Республикаси. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Госпитал кучаси 11/2. Телефон: 95-144-74-55, Факс: +998 71 150 23 01. Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 11.12.2007 йилда № 545 рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 апрелда берилган «Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви»ни ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга оширишга рухсат берувчи-серия АФ № 00811 Лицензияга эга.

Хисобрақами: 20208000604007713001 ХАТБ «DAVR-BANK» Чиланзар булими, МФО01046, СТИР 202884570, ИФУТ 69202. email: ltd_nazorat-audit@mail.ru, web: www.nazorat.uz.

Аудиторлик ташкилоти директори: Назаров Баходир Нематович САР, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014 йил 26 апрел куни берилган № 05207сонли «Аудитор малака сертификати»

Аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхона тўғрисида маълумот:

«BUXOROGAZSANOATQURILISH» акциядорлик жамияти

100073, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар, Зулфия кучаси 2 - уй Тел. 65-223-10-11

Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар Давлат Хизматларини кўрсатиш маркази томонидан «Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги № 343 сонли гувоҳномага асосан давлат рўйхатидан ўтган.

Хисоб рақами: 2021 0000 7004 8730 5001, АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк», Бухоро минтакавий филиали МФО 00086, ИНН - 200856338.

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги "NAZORAT-AUDIT" аудиторлик ташкилотининг аудитори Умаров Рахимжон Алиевич, CAP, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан 30.07.2016 йилда берилган № 4976 сонли «Аудитор малака сертификати», аудиторлик ташкилоти билан «Vuxorogazsanoatqurilish» акциядорлик жамияти ўртасида 01.05.2020 йилда тузилган 80/03-20 сонли шартномага асосан «Vuxorogazsanoatqurilish» акциядорлик жамиятининг "Корхона баланси" – форма № 1, "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" – форма № 2-шакл, "Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот" – форма № 4-шакл, "Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот" – форма № 5-шаклларида иборат молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Vuxorogazsanoatqurilish» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига ётарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун ётарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Vuxorogazsanoatqurilish» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

**МЧЖ шаклидаги «NAZORAT-AUDIT»
Аудиторлик ташкилоти директори:**

Аудитор:

Хулоса тузилган сана: «27» май 2020 йил.



B. Nazarov
R. Umarov

Б.Н.Назаров.

Р.А.Умаров.